УСТОЗ ЁДИ ҚАЛБИМИЗДА ДОИМО БАРҲАЁТ

Меҳрибон ва жонкуяр устоз, ўнлаб шогирдларнинг илм йўлидаги раҳнамоси, ботаниканинг анатомия ва морфология соҳалари бўйича мамлакатимизнинг етакчи мутахассисларидан бири, биология фанлари доктори профессор Абдурашид Содиқович Дариев шу йилнинг 29 апрелида вафот қилди.

Абдурашид Содиқович Дариев 1934 йил 29 декабрда Тошкент вилояти Қорасув туманида туғилган. Мактабни тугатгач, илм иштиёқида Ленинград давлат университетининг биология факультетига ўқишга кириб, 1960 йилда уни "Юксак ўсимликлар систематикаси" кафедраси бўйича тамомлайди ва шу йилдан ЎзФА Генетика ва физиология институти лаборанти вазифасида иш бошлайди.

1960-1963 йилларда ЎзФА Генетика ва физиология институти аспиранти, 1963-1964 йилларда шу институт катта лаборанти, кичик илмий ходим; 1964-1965 йилларда ЎзФА Ботаника институти лаборанти, илмий ходими; 1965-1985 йилларда ЎзФА Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида аввал илмий ходим, катта илмий ходим, кейин лаборатория мудири лавозимларида ишлаган.

1985-1987 йилларда Наманган давлат педагогика институти «Умумий биология» кафедраси мудири, 1987-1991 йилларда Андижон давлат педагогика институти «Ботаника ва география» кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. 1991 йилда Фарғона давлат университети «Ботаника» кафедраси профессори лавозимига ишга олиниб, 2007 йилга қадар шу ерда фаолият олиб борган. 2007 йилдан бошлаб Андижон давлат университети «Экология ва ботаника» кафедраси профессори лавозимида ишлади.

Абдурашид Содиқович қаерда ишламасин, ҳақиқий олим сифатида ўз атрофида илмий муҳит ташкил қила олди, илмга қизиқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг изланишларига талабчанлик билан раҳбарлик қилди. Профессор Дариев ўтган йиллар мобайнида 2 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди тайёрлаган. Жумладан, Т.А.Мадумаров «Морфолого-анатомическое строение представителей сапониноносных родов семейства Carvophvllaceae Juss» (2005), А.Тожибоев «Древесные юга Киргизии» (2012) мавзуларида докторлик диссертацияларини; А.Маматюсупов «Сравнительное морфолого-анатомическое строение разногеномных видов рода Gossypium L.» (2006) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлашди. Олимнинг раҳбарлигида 2 нафар мустақил тадқиқотчи – "G. hirsutum L. ва G. barbadense L. турлар ичи категорияларини қиёсий анатомик-морфологик ўрганиш" мавзусида Ж.Маткаримов, "Phlomis, Phlomoides, Eromostachys (лабгулдошлар оиласи) туркумларининг Фарғона водийсида тарқалган турларини қиёсий морфологияси" мавзусида Д.Усмоновлар докторлик тадқиқотларининг якуний босқичига кирган эдилар.

Келажакда ботаника соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни дилига тукқан Н.Каримова, Б. Сирожидинов, З.Исроилова, Н.Кодирова каби магистрантлар, Х.Фозилов, А.Кенжабоев, У.Эргашев, Ш.Парпиева каби иқтидорли бакалавр талабалар ўзларининг илмдаги истиқболини бевосита А.С.Дариев билан боғлиқ кўриб, устоз раҳбарлигида илмий изланишларга жиддий киришганлар.

Профессор А.С.Дариев илмий фаолияти давомида 1 та монография, 2 та дарслик, 30 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаган, 200 га якин илмий макола ва тезислар чоп эттирган. Домла мунтазам равишда турли халкаро ва республика илмий анжуманларида ўз шогирдлари: аспирантлар, магистр ва талабалар билан фаол иштирок этиб келган.

Профессор А.С.Дариевнинг жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли «Экология ва ботаника» кафедраси илмий салоҳияти муттасил ўсиб борган. Олимнинг факультетда ўқув жараёнини сифатли ташкил қилиш, илмий салоҳиятни ошириш борасида қилгани меҳнатларини ҳисобга олиб 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Устознинг порлоқ хотираси шогирдлар дилида ҳамиша барҳаёт.

Э.Рўзиматов,
биология фанлари номзоди